

**“Ўзбекнефтгаз” АЖ марказий аппаратида ахборот-коммуникация  
технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича аудит ўтказиш ҳамда  
норматив хужжатларни тартибга солиш бўйича  
техник талаблар**

**I. Аудит ўтказувчи ташкилотга қўйиладиган талаблар**

- 1.1. Аудит ўтказувчи ташкилот билан конфиденциал маълумотларни ошкор этмаслик тўғрисида келишув имзоланади;
- 1.2. Аудит ўтказувчи ташкилот маълумот узатиш тармоғига хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш бўйича лицензияга эга бўлиши талаб этилади.

**II. Ташкилий ишлар ва норматив-хужжатларнинг ахборот-коммуникация технологиялари талабларига мувофиқлиги бўйича аудитдан ўтказиш талаблари.**

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ахборот-коммуникация технологияларига оид қабул қилинган фармон ва қарорларида келтирилган талабларнинг ижро ҳолати;
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-коммуникация технологияларига оид қабул қилинган фармойиш, қарор ва баёнларида келтирилган талабларнинг ижро ҳолати;
- 2.3. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот-коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш бўйича республика комиссияси баёнларида келтирилган талабларнинг ижро ҳолати;
- 2.4. Ахборот тизимлари ва ресурсларнинг қўйилган талабларга мувофиқлиги;
- 2.5. Давлат ва электрон давлат хизматларининг қўйилган талабларга мувофиқлиги;
- 2.6. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича масъул таркибий бўлинманинг белгиланган талабларга мувофиқлиги;
- 2.7. Ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини жорий этилганлик ҳолати;
- 2.8. Электрон хужжат айланиш тизимини жорий этилганлик ҳолати;
- 2.9. Электрон рақамли имзодан фойдаланиш ҳолати;
- 2.10. Мутахассисларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малака оширганлиги ҳолати;

**III. Ахборот хавфсизлиги йўналишидаги норматив–ҳуқуқий хужжатлар, ташкилий-маъмурий базаси, техник хужжатлар базаси ҳамда 32 та сервер қурилмасини (жамиятнинг Тошкент шаҳридаги оғисларида 31 та, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги оғисида 1 та), 43 та виртуал серверни (Тошкент шаҳри оғисларида 41 та, Қарши шаҳридаги оғисида 2 та), 804 та компьютер техникаси (жамиятнинг Тошкент шаҳридаги оғисларида 607 та, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги оғисида 197 та), 111 та тармоқ қурилмалари (жамиятнинг Тошкент шаҳридаги оғисларида 93 та, Қарши шаҳридаги оғисида 18 та), 5 та ахборот тизимларини ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини аудитдан ўтказиш бўйича талаблар.**

3.1. Ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларига мувофиқлигини ўрганиш ва таҳлили;

3.2. Ташкилотда ахборот хавфсизлиги бўйича ички норматив, техник хужжатларнинг мавжудлиги, уларда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

3.3. Ташкилотнинг компьютерларини дастлабки текшириш, яъни ишлатиладиган операцион тизимлар, дастурий таъминотлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлили;

3.4. Ташкилотнинг серверларини дастлабки текшириш, яъни ишлатиладиган операцион тизимлар, дастурий таъминотлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлили;

3.5. Ташкилотнинг тармоқ қурилмаларини дастлабки текшириш, яъни ишлатиладиган операцион тизимлар, дастурий таъминотлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлили;

3.6. Ахборот хавфсизлиги воситалари, ахборот-коммуникация технологияларига киритилган аппарат ва дастурий воситалар таҳлили;

3.7. Ташкилотнинг худуди, периметри ва биноларини жисмоний ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни таҳлили;

3.8. Ахборот хавфсизлиги соҳасида ташкилий, техник йўриқномалар ва қоидаларнинг мавжудлиги, уларнинг ташкилот фаолиятига тадбиқ этилганлигини ўрганиш;

3.9. Ташкилотда ўрнатилган ахборот хавфсизлиги қоидаларидан ташкилот ходимларининг хабардорлигини баҳолаш;

3.10. Ташкилотнинг ахборотлаштириш обьектларида сервер хоналарининг норматив, техник хужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиш;

3.11. Ташкилотда ахборот хавфсизлиги бўйича масъул бўлинма мавжудлигини ўрганиш;

3.12. Ташкилот ходимларининг ахборот хавфсизлиги соҳасида малака оширилганлигини ўрганиш;

3.13. Ташкилотда ахборот хавфсизлигига масъул ходимларнинг малака оширилганлигини ўрганиш.

#### **IV. Норматив-техник ҳужжатларни тартибга солишини аудит ўтказиш бўйича талаблар**

4.1. Жамиятнинг ахборотлаштириш объектларида конфиденциал маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш ва ташкил этиш тартиби тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқилганлиги ҳолати;

Мазкур Йўриқномани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш объектларида конфиденциал ахборотларнинг хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 295-сон қарорига асосан ишлаб чиқилади.

4.2. Ташкилотда компьютер техникасидан фойдаланиш йўриқномасининг ишлаб чиқилганлиги ҳолати.